

БАҒДОДДА КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

Бағдод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги ахборот-ресурс марказида “Китоб орқали дунёни кашф этамиз” шиори остида китобхонлик ҳафталиги бўлиб ўтди.

Китобхонлик ҳафталигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишининг мазмун-моҳияти ўкувчиларга тушунтирилди. Бу ҳужжат ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ахборот ресурс маркази фондидаги 5500 га яқин китоб жамланмалари (900 таси электрон дарслик ва китблар) ёшларга намойиш қилинди. “Китоблар-яхшилиқдан хитоблар” кўргазмаси, “Эртаклар – комилликка етаклар”, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов хотирасига бағишиланган “Сиз ҳамиша қалбимиздасиз”, “Оlam ҳақида бир олам китоб” мавзули китоб кўргазмалари ташкил этилди. Амир Темур таваллудининг 681 йиллигига бағишиланган “Соҳибқирон жаҳонгир Темур”, Мухаммад Юсуф таваллуди муносабати билан “Унутмоқ осонмас бизларни” мавзули китоб кўргазмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари томонидан ўтказилган кўрик-танловлар ўкувчиларнинг адабиёт соҳасидаги билим ва кўникмалари, маҳоратини синовдан ўтказди. “Заковат” билимлар ўйини, “Мен севган адабий қаҳрамон” мавзусидаги расмлар танлови, “Жозибали билим байроби” мавзусидаги имкон-шоу, “Рухсат беринг шеър ўқий” мавзусидаги баҳру байт, “Эртак калейдоскоп” мавзусидаги ифодали ўқиши танловларида иқтидор эгаларига совғалар топширилди. Кичик ёшдаги китобхонлар учун 1- умутаълим мактаби ўкувчиларининг “Зумрад ва Қиммат” саҳна кўриниши, “Бўғирсоқ” эртаги асосида тайёрланган кўғирчоқ театри намойиш этилди. “Энг яхши китобхон ўқувчи”, “Энг фаол кекса китобхон”, “Энг фаол кутубхоначи” номинациялари орқали ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Ўтказилган тадбирлар давомида ёшларимиз фаоллигини кўриб, қувондик. Уларнинг китобга бўлган эътибори, меҳри бунданда юксак бўлишини истаймиз, – дейди марказ раҳбари Махсуда Рахимова. – “Мактаб – кутубхона – жамоат ташкилотлари” тизими ҳамкорлигига фондимизни янги адабиётлар билан бойитиш, ёшларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Ота-оналар ва фарзандлари иштирокида китобнинг тарбиядаги аҳамияти, китоб совға қилишнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. “Бир фарзандга уч китоб” ҳайрия марафонида эса қувонарли натижага эришдик. Ота-оналар, жамоат ташкилотлари томонидан тумандаги 55 та умумтаълим мактабларига 2194 та болалар адабиётлари совға қилинди.

2017-04-27 15:30:43